

ШИРИН МАККАЖЎХОРИ ЎСИМЛИГИНИНГ ЭКИШ ЗИЧЛИГИ ВА ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ БИТТА СЎТАДАГИ ДОНЛАР СОНИГА ТАЪСИРИ

Дилдора Улуғбековна Файзуллаева

Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институти, таянч докторант

Шерзод Шермахматович Сармонов

к/х.ф.ф.д., к.и.х.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг суғориладиган майдонлари, очтусли бўз тупроқ шароитларида ширин маккажўхорининг «Замон» ва «Мазза» навларини асосий экин сифатида экилганда экиш зичлиги (110.000, 75.000 ва 55.000 ўсимлик/га) ва ўғит меъёрининг (соф холда 60 кг, 90 кг, ва 120 кг N/га) битта сўтадаги донлар сонига таъсири ўрганилган. Тадқиқотлар давомида экиш зичлиги ва ўғит меъёрининг 75.000 ўсимлик/га ва 120 кг N/га қўлланилганда ширин маккажўхори ўсимлигининг битта сўтадаги донлар сони ортиши аниқланди.

Калит сўзлар: Дон, ширин маккажўхори, маккажўхори навлари, асосий, вариант, экиш зичлиги, ўғит меъёри, донлар сони.

ABSTRACT

In this article, the planting density (110,000, 75,000 and 55,000 plants/ha) and the rate of fertilizer (60 kg, 90 kg in pure form) when sweet corn varieties "Zamon" and "Mazza" are planted as the main crops in the irrigated areas of Kashkadarya region, in light gray soil conditions, and 120 kg N/ha) on the number of grains in one pod was studied. During the research, it was found that the number of grains in one cob of sweet corn plant increased when planting density and fertilizer rate of 75,000 plants/ha and 120 kg N/ha were used.

Keywords: Grain, sweet corn, corn varieties, basic, variant, planting density, fertilizer rate, number of grains.

КИРИШ

Республикамизда аҳоли сонининг кўпайиши ва ижтимоий-иқтисодий ўсиш туфайли (ширин) маккажўхорига талаби ортиб бормоқда. Ҳозирда маккажўхоридан консерва,



нон ва нон махсулотлари, ёрма, бодрок ҳамда кондитер махсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда. Шу сабабли, Республикамизда ширин маккажўхори етиштириладиган майдонларини кенгайтириш, тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ширин маккажўхори навларини маҳаллийлаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Экиш меъёрларини тўғри танлаш маккажўхори етиштиришнинг интинсив технологиясининг асосий элементи бўлиб, ҳосилни 30% га ошириш имконини беради. [1]. Маккажўхори четдан чангланувчи ўсимлик. Шунинг учун уни сунъий равишда ҳам чанглантимиш мумкин.

Маккажўхори уруғлангандан сўнг 15-20 кун ўтгач, сут ва 22-25 кун ўтгач, мум пишиш даври бошланади ва ундан 5-10 кун ўтгач, дон тўлиқ пишиб етилади.


Маккажўхорининг ўсиш даври унинг навига қараб 90-140 кунни ташкил қилади. Даврлар оралиғи навни хусусиятларига қараб об-ҳаво шароити ва ишлов берилишига қараб ўзгариб боради. Маккажўхори биринчи даврда секин ўсади. Лекин бу даврда унинг илдиз системаси ўсиши тезлашади ва ривожланади. Гуллагандан кейин ўсиши тўхтади [2, 3, 4].

Маккажўхори дони шакли ва ранги бир неча кўринишда бўлади. Думалоқ, овалсимон, тишсимон, гуручсимон шаклда, ранги оқ, қаймоқ ранг, бинафша, сарғиш ва турлича тусда бўлади 1000 дон дон вазни кенжа турлари, нав ва дурагайларига қараб ўзгаради. 100-150, 250-300 ва 300-350 г миқдорда ўзгариб боради. [5].

Ортиқча пишган бошоқлардаги шакар тезда крахмалга айланади. Кейин маккажўхори ўзининг гастронмик қийматини юқотади. Шунинг учун ўрим-йиғимдан кейин ширин маккажўхори иложи борича тезроқ истеъмол қилиниши ёки консерваланган ёки музлатилган бўлиши керак. [6].

НАТИЖАЛАР

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба даласида ширин маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навларини асосий экин сифатида экилганда экиш зичлиги 110.000, 75.000 ва 55.000 ўсимлик/га ва ўғит меъёрининг соф ҳолда 60 кг, 90 кг, ва 120 кг N/га қўлланилганда битта сўтадаги донлар сонига боғлиқлиги аниқланди.



Тадқиқод натижаларига кўра, битта сўтадаги донлар сони Замон навининг 90x10 экиш схемасида ўғитсиз вариантларда ўртача 436,4 дона бўлган бўлса, Мазза навида 430,3 дона, N₆₀ P₉₀ K₆₀ вариантларда Замон навида ўртача 514,1 дона, Мазза навида 510,7 дона бўлганлиги кузатилди. N₉₀ P₉₀ K₆₀ вариантда Замон навида ўртача 558,7 дона, Мазза навида 552,1 дона бўлган бўлса, N₁₂₀ P₉₀ K₆₀ вариантларда Замон навида 581,6 дона Мазза навида 569,4 дона бўлганлиги қайд этилди. Замон навининг 90x15 экиш схемасида ўғитсиз вариантларда ўртача 574,2 дона бўлган бўлса, Мазза навида 569,7 дона, N₆₀ P₉₀ K₆₀ вариантларда Замон навида ўртача 628,3 дона, Мазза навида 620,3 дона бўлганлиги кузатилди. N₉₀ P₉₀ K₆₀ вариантда Замон навида ўртача 660,9 дона, Мазза навида 653,3 дона бўлган бўлса, N₁₂₀ P₉₀ K₆₀ вариантларда Замон навида 681,3 дона Мазза навида 672,3 дона бўлганлиги қайд этилди. Замон навининг 90x20 экиш схемасида ўғитсиз вариантларда ўртача 533,4 дона бўлган бўлса, Мазза навида 530,3 дона, N₆₀ P₉₀ K₆₀ вариантларда Замон навида ўртача 570,8 дона, Мазза навида 558,9 дона бўлганлиги кузатилди. N₉₀ P₉₀ K₆₀ вариантда Замон навида ўртача 606,3 дона, Мазза навида 594,3 дона бўлган бўлса, N₁₂₀ P₉₀ K₆₀ вариантларда Замон навида 636,9 дона Мазза навида 622,2 дона бўлганлиги қайд этилди.

Олинган натижаларга кўра, экиш зичлиги 110.000, 75.000 ва 55.000 ўсимлик/га ва ўғит меъёри 120 кг N/га қўлланилган вариантларда битта сўтадаги донлар сони бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди. Экиш зичлиги 110.000 ўсимлик/га ва ўғит меъёри 120 кг N/га қўлланилган вариантларда битта сўтадаги донлар сони бошқа 120 кг N/га қўлланилган вариантларга нисбатан кўрсаткичлари кам бўлган бўлса, экиш зичлиги 75.000 ўсимлик/га ва ўғит меъёри



120 кг N/га қўлланилган вариантларга битта сўтадаги донлар сони юқори бўлганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқод натижаларига кўра, экиш зичлиги 75.000 ўсимлик/га ва ўғит меъёри 120 кг N/га қўлланилганда битта сўтадаги донлар сони ширин маккажўхори ўсимлиги Замон навида 681,3 дона, Мазза навида 672,3 дона бўлганлиги аниқланди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ширин маккажўхори ўсимлиги 75.000 ўсимлик/га экилганда ва ўғит меъёри 120 кг N/га қўлланилганда битта сўтадаги донлар сони бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги қайд этилган.

REFERENCES

1. Урожайность гибридов кукурузы в зависимости от нормы высева семян в лесостепи ЦЧР. Харитонов Михаил Юрьевич 2020 г.
2. Маккажўхори етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. – 8-9 б.
3. Атабаева Х. Н., Худайкулов Ж. Б. “Ўсимликшунослик”, “Фан ва технологиялар” нашриёти, Тошкент. -2018.
4. Алабушев В. А. Растениеводство / В. А. Алабушев. - Ростов н/Д: Издательский центр «Март», 2001. - 230 с. <https://uz.yellowbreadshorts.com>
5. Д.Ёрматова « Дала экинлари биологияси ва етиштириш технологиясидан амалий машғулот», (Ўсимликшунослик) Тошкент –2001– 58-62 б
6. Выращивание сахарной кукурузы